*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 11 ноябрь ● сешанба ● № 50 (609) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru ● www.minjust.uz

● *Конституция сабоқлари*

## Демократик ва инсонпарвар давлатнинг энг муҳим мезони

### шахс эркинлиги ва дахлсизлиги қай даражада кафолатланганлигига боғлиқ

**МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ муқаддимасидаёқ Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқларига содиқ қолиш, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатни намоён қилиш, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаш, фуқароларнинг тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш бош мақсад эканлигини англаш қийин эмас.**

3 →



*Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат*

## БУХОРО, ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ

### ҳудудий адлия бошқармаларида газета обунаси юқори кўрсаткичда!

*Обуна мавсумида қайси нашр омма билан қай даражада муносабатга киришиши, қайси газетанинг ўқувчилар орасида нечоғлик эътиборга эга эканлиги, қисқаси, нуфузи, обрўси яққол намоён бўлиб қолади. Бугунги ўқувчи ўзига маънавий озуқа берадиган, идрокини кенгайтирадиган, жамият, давр ҳодисаларини тўлақонли талқин қила биладиган нашрни танлайди. Лўнда қилиб айтганда, газетхон ўзига фойдаси тегадиган газетани танлайди.*



*"Инсон ва қонун" барча соҳалардаги муаммо ва масалалар, ўқувчини қизиқтирган ҳуқуқий саволларга ечим излайдиган ҳуқуқий-тарғибот минбаридир. Ёшу кекса, барчага баробар, аҳолининг барча қатламларига хосу мос мавзуларга ўрин ажратадиган нашрлардан биридир.*

*Ҳозирги кунда газетамизга вазирлик раҳбарияти кўмаги, вилоятлар ҳуқуқий адлия бошқармалари, ҳуқуқ-тартибот идоралари саъй-ҳаракати, энг муҳими, кўп минг сонли ўқувчиларимиз хоҳиш-истаги билан обуна қизғин давом этаяпти.*

**Нашр кўрсаткичимиз — 137**

## "Ишонч телефони"

### Ҳурматли тадбиркорлар!

Қонуний ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда ҳеч иккиланмай, Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларидаги **"Ишонч телефон"**ига қўнғироқ қилинг. Адлия идораларининг тажрибали мутахассислари сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги**
(371) 008, 236-26-99, 233-47-68, 236-05-09

**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги**
(361) 008, 223-34-00

**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси**
(371) 008, 262-92-42, 269-14-45

**Андижон вилояти адлия бошқармаси**
(374) 008, 224-42-31, 222-30-89, 224-45-94

**Бухоро вилояти адлия бошқармаси**
(365) 008, 223-74-16, 223-21-20

**Жиззах вилояти адлия бошқармаси**
(372) 008, 226-35-81,

**Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси**
(375) 008, 223-01-64, 223-01-73

**Навоий вилояти адлия бошқармаси**
(436) 008, 223-80-47, 223-01-38

**Наманган вилояти адлия бошқармаси**
(369) 008, 226-51-93, 226-36-62, 226-70-33

**Самарқанд вилояти адлия бошқармаси**
(366) 008, 233-04-62

**Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси**
(376) 008, 223-26-84

**Сирдарё вилояти адлия бошқармаси**
(367) 008, 225-09-69, 225-41-19

**Тошкент вилояти адлия бошқармаси**
(371) 008, 280-50-98, 280-51-06, 253-30-02

**Фарғона вилояти адлия бошқармаси**
(373) 008, 224-15-49

**Хоразм вилояти адлия бошқармаси**
(362) 008, 226-86-47, 226-65-50

*E-mail: info@minjust.gov.uz*

# МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» НИГОҲИДА

## Буйруқ бекор қилинди

**ФУҚАРО Қ.МАВЛОНОВАнинг Олмалиқ шаҳридаги 22-умумий ўрта таълим мактабидан асоссиз равишда бўшатилганлиги ҳақидаги аризаси юзасидан вилоят прокуратураси томонидан қўшимча текшириш ўтказилди.**

АНИҚЛАНИШИЧА, Олмалиқ шаҳридаги 22-умумий таълим мактаби директори М.Эшбоев фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг 2008 йил 8 майдаги ҳал қилув қарори асосида бошланғич синф ўқитувчиси лавозимига ишга тикланиши лозим бўлган Қ.Мавлоновани ўз вазифасига тиклашда Меҳнат кодекси талаблари қўпол равишда бузилишига йўл қўйган.

Хусусан, М.Эшбоев томонидан 2007 йил 5 сентябрь кунига қадар 22-умумий ўрта таълим мактабининг касаба уюшмаси раиси вазифасида ишлаб келган Қ.Мавлоновага нисбатан интизомий жазо чорасини қўллашда ва уни ишдан бўшатишда Меҳнат кодексининг 25, 182-моддалари талаби қўпол равишда бузилиб, вакиллик органидан розилик, Қ.Мавлоновадан тушунтириш хатлари олинмасдан, унинг меҳнат қилиш соҳасидаги қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари поймол қилинган.

Мазкур ҳолат юзасидан 22-умумий ўрта таълим мактаби директори М.Эшбоевга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси билан маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилди.

Шунингдек, 22-умумий ўрта таълим мактаби директорининг қонунга зид буйруқларини бекор қилиш тўғрисида протест келтирилди.

**Ғ.МУҲАММЕДОВ,**
**Олмалиқ шаҳар прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси**

**ФУҚАРО О.Холматованинг суд қарорларидан норози бўлиб газетага ёзган аризаси фуқаролик иши билан кўриб чиқилди.**

## Протест келтирилди

АНИҚЛАНИШИЧА, фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг 2008 йил 7 майдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар И.Джурабекованинг олди-сотди шартномасини, ҳоким қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги даъво талаблари қаноатлантирилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти суди апелляция инстанциясининг 2008 йил 25 июндаги ажрими билан ушбу ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.



Текшириш натижасида мазкур фуқаролик иши юзасидан апелляция инстанция судининг ажримини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун шу инстанцияга юбориш ҳақида назорат тартибида протест келтириш учун Тошкент вилояти прокуратурасига юборилди.

**Б.ИНАГАМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлим бошлиғи**

## Комиссия кўриб чиқди

**ФУҚАРО Р.Холмўминованинг газетага ёзган аризаси юзасидан қуйидагилар маълум қилинади:**

АРИЗАДА келтирилган важларни ўрганиш учун жорий йил 22 сентябрь куни Жиззах вилояти Бош тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мутахассислари Р.Холмўминованинг тиббий ҳужжатлари билан танишиб чиқишди ва ўзи билан учрашдилар.

Жиззах вилояти Бош тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мутахассислари Р.Холмўминовага келгусида соғлиғида салбий ўзгаришлар кузатилса, турар жойидаги даволаш-профилактика муассасаларига мурожаат этиб, тўлиқ тиббий текширишдан ўтгандан сўнг ногиронлик гуруҳини оғирлаштиришга асос бўлса, ўрнатилган тартибда йўлланма (088/у шакл) билан ТМЭКга қайта мурожаат қилиши мумкинлиги тўғрисида тушунтириш бердилар.

Р.Холмўминова комиссия хулосасидан қониқиш ҳосил қилди.

**Ш.САИДОВ,**
**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири ўринбосари**

## Конституция – менинг ҳаётимда



**8-МОДДА.** *Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади.*



**39-МОДДА.** *Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.*

*Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.*



**52-МОДДА.** *Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.*



**42-МОДДА.** *Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.*

*Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.*



**65-МОДДА.** *Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.*

*Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.*

**Ислом КАРИМОВ:**
***Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топган.***

**Адлия вазирлиги ҳудудий бошқармаларида:**

# Тарғибот, ташвиқот, таҳлил

*Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги муносабати билан Адлия вазирлиги томонидан жойларда кенг миқёсда турли анжуманлар ўтказилмоқда. Қуйида мухбирларимиз Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида бўлиб ўтган тадбирлар ҳақида хабар берадилар.*

60 ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ

## Сурхондарё вилояти

### Ёшлар билими юқори баҳоланди

**ЯҚИНДА МАННОН УЙҒУР номидаги Сурхондарё вилояти мусиқали драма театрида Президентимизнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан семинар ўтказилди.**

УНДА АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ходимлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, вилоят ҳокимлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар матбуот котиблари, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман)нинг минтақавий вакили, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоят бўлими, "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши, Журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлими ходимлари, Адлия вазирлигининг Ахборот хизмати раҳбари ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Жорий йилнинг 10 декабрида жаҳон ҳамжамиятида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги кенг нишонланиши, 1991 йил 30 сентябрь куни, мазкур Декларация парламентимиз томонидан ратификация қилинганлиги ва шу кундан эътиборан Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасида БМТнинг турли муассасалари билан узоқ муддатли ҳамда кўп томонлама ҳамкорлиги бошланганлиги, бугунги кунда фуқароларнинг шахсий, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган 120 дан ортиқ қонунлар қабул қилинганлиги, республикамиз инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ 60 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилганлиги, бундан ташқари, мамлакатимиз парламенти томонидан БМТниг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид 6 та асосий халқаро ҳужжат ратификация қилинганлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилди.

Ушбу учрашув бошқалардан фарқли ўлароқ, баҳс-мунозара шаклида бўлиб, унинг якунида иштирокчи ёшлар ўртасида **"Энг яхши ҳуқуқ билимдони"** аниқланди ва уларга адлия бошқармасининг фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Шуҳрат НАЗАРОВ,**
**Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси ходими**





## Қашқадарё вилояти

### *Йиллик обунани қўлга киритди*

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ "Ўзгеобурғунефтгаз" акциядорлик компаниясида "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти" мавзуида семинар-тренинг ўтказилди.**




ТАДБИРДА Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг вилоят бўйича минтақавий вакили, Адлия вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари, Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи Президентимизнинг "**Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида**"ги Фармонининг мазмун-моҳияти ҳамда мазкур Декларациянинг аҳамияти ҳақида сўз юритдилар.

Биз семинар қатнашчиларининг фикр-мулоҳазалари билан қизикдик.

**Қарши шаҳар, Рогузар маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ғайбулла ҳожи Отабоев:**

— Бугунги тадбирдан кўп нарсани ўрганиб, катта таассурот билан қайтаяпман. Маҳалламиз аҳлига бу ерда эшитганларим ҳақида гапириб бермоқчиман.

Қашқадарё вилояти ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмаси бошлиғи, майор Чори Кўчаров:

— Ички ишлар идоралари ходимлари ҳуқуқий тарғибот бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Аҳолига декларациянинг мазмун- моҳияти, унинг одамлар ҳаёти, шаъни ва қадр-қиммати учун нечоғлик аҳамиятга эга эканлигини тушунтириб бераяпмиз. Бугунги тадбирда декларация ҳақидаги, тушунчамиз янада бойиди. Бу бизга келгуси тадбирларимизни мазмунан кенгайтиришда кўмак беради.

Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Боймурод Норкулов:

— Декларация қоидалари Конституциямиз ва миллий қонунчилигимизда ўз ифодасини топган. Мазкур Декларацияни расман тан олган ҳар бир давлат БМТ билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ялпи ҳурмат қилиш ва унга риоя этишга кўмаклашиш мажбуриятини олган.

Қизғин савол-жавоб тарзида ўтган тадбирда фаол қатнашган ёшлар "**Энг яхши ҳуқуқ билимдони**" номинацияси бўйича ғолиб бўлдилар. Ғолиблар Адлия вазирлигининг фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. "Халқ банки" Қашқадарё вилояти филиали ходими Жасурбек Тошпўлатов "Инсон ва қонун" газетасига бепул обуна бўлиш имкониятини қўлга киритди.

**Ойдин АНОРОВА,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

● *Режа*

# Бола ҳуқуқлари

## саводхонлик ойлиги давом этмоқда

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ташаббуси билан ёш авлодни тарбиялаш, уларни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан ёшларнинг ўқиши, билим олиши ва ҳаётда ўз ўринларини топиб олишлари учун кўрсатилаётган ғамхўрликлар бунинг ёрқин далилидир. Мамлакатимизда "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши билан бу борада яна бир муҳим қадам қўйилди. Унда келажагимиз бўлган ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатлари қонун йўли билан кафолатланган.**



АЙНИ КУНЛАРДА Адлия вазирлигининг ташаббуси билан барча вилоятларда "**Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — барчамизнинг бурчимиз**" шиори остида ҳуқуқий саводхонлик ойлиги давом этмоқда.

Ана шундай тадбир Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги Қишлоқ хўжалиги ва касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди. Унда вилоят адлия бошқармаси, прокуратура, ички ишлар, суд органлари вакиллари, ҳокимлик ва маҳаллий бошқарув идоралари ҳамда касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва мактаб ўқувчилари иштирок этишди. Тадбир иштирокчилари дастлаб коллеж файесида ташкил этилган инсон ҳуқуқларини акс эттирувчи махсус плакатлар, инсон ҳуқуқларига оид китоблар, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро меъёрлар кўргазмаси билан танишдилар.



Шундан сўнг, иштирокчилар умумбашарий қадриятларни ўз ичига олган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қабул қилиниш тарихи, мазмуни, халқаро аҳамияти тўғрисида фикр алмашдилар. Сўзга чиққанлар бу халқаро ҳужжат Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунлардаёқ ратификация қилингани, ундаги умумбашарий қадриятлар Бош қомусимизда ҳам ўз аксини топганлигини таъкидладилар. Шунингдек, "**Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида**"ги Қонун қабул қилинганлигининг бир йиллиги муносабати билан ушбу қонуннинг аҳамияти ҳақида маърузалар тингланди.

***

Ўзига хос кўргазмали воситалар, адабиётлар ёрдамида ўтказилган бундай тадбир Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги Педагогика коллежида ҳам ташкиллаштирилди.

***

Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги Педагогика ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежида уюштирилган тадбирда эса Андижон, Избоскан ва Пахтаобод туманлари ФҲДЁ бўлимлари, нотариал идоралар, прокуратура, ички ишлар, суд органлари, ҳокимликлар ва бошқа ташкилотлар вакиллари билан бирга юқорида санаб ўтилган туманлардан келган коллеж, академик лицей ва мактаб ўқувчилари ҳам иштирок этишди.

Тадбир сўнггида БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан тақдим этилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қабул қилиниши жараёни ҳақидаги фильм намойиш этилди.

**Абдуҳошим МАДАТОВ,**
**Хуршид СУЛТОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбирлари,**
**Камоллиддин ЖАЛОЛИДДИНОВ,**
**Андижон вилояти адлия бошқармаси ходими,**



**Суратларда: Андижон вилоятида ўтган тадбирлардан лавҳалар.**

## Сирдарё вилояти

### 4 минг талаба жалб қилинди

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги ташаббуси билан Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида Гулистон Давлат университетида "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти" мавзуида семинар ўтказилди.**

ОМБУДСМАННИНГ Сирдарё вилоятидаги вакили Рустам Турдиевнинг **"Омбудсман фаолиятининг асосий йўналишлари ва унинг инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилишдаги роли"** номли маърузаси қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Таъкидлаш жоизки, вазирлик масъул ходимининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мазмун-моҳияти, унинг бугунги ҳаётдаги ўрни, миллий қонунчилигимиздаги беқиёс аҳамияти, умуман декларациянинг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар юзасидан билдирилган кенг қамровли фикр-мулоҳазалардан сўнг учрашув қизғин, дўстона баҳс-мунозара шаклини олди.

Тадбир давомида **"Энг яхши ҳуқуқ билимдони"** танлови ўтказилиб, унинг натижасига кўра, Гулистон Давлат университети Тарих факультети талабаси Азиза Алибекова **"Энг яхши ҳуқуқ билимдони"** деган номга сазовор бўлди ва бош совриин билан тақдирланди. Шу билан бирга яна бир қанча ҳуқуқ билимдонларига Адлия вазирлигининг рағбатлантирувчи мукофотлари топширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур семинар-учрашув бир вақтнинг ўзида университет видео-узатув тармоқлари орқали аудиторияларда таҳсил олаётган барча талабаларга намойиш этилди. Шу тариқа яна 4 минг нафар талаба видеоузатув орқали мазкур қизиқарли учрашувнинг гувоҳи ва қатнашчиси бўлишди.

**Абдуғаффор ОМОНБОЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**





## Жиззах вилояти

### Биринчи халқаро ҳужжатнинг халқчил талқини

**Жиззах Давлат педагогика институти "Маданият саройи"да Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мазмун-моҳияти талқин қилинди.**



ТАДБИРДА декларация Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгандан кейинги биринчи халқаро ҳужжат бўлиб, унинг муҳим қоидалари шахснинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилигимизда ўз ифодасини топганлиги, шунингдек, Конституциямизда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларимизни ҳимоя қилишда декларациянинг аҳамияти тўғрисида сўз юритилди.

— Республикамизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб инсон манафаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш асосий вазифа қилиб қўйилди, — дейди вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Сирож Ғозиев. — Буни фуқаролар ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида қабул қилинган қатор қонунлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Сенат аъзоси Нодира Каримова мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шахс дахлсизлигини таъминлаш, оналар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида фикр билдирди.

Семинарда иштирок этган коллеж, лицей ва мактаб ўқувчиларига декларациянинг Конституциямизда ўз аксини топган моддалари ҳақида кўргазмали тушунтиришлар берилди. Талаба ва ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимлари синовдан ўтказилиб, **"Энг яхши ҳуқуқ билимдони "** номинацияси бўйича фаол иштирок этган 7 нафар ўқувчи ва талаба ғолиб, деб топилди. Уларга Адлия вазирлиги ҳамда вилоят адлия бошқармасининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

**Зумрад ҚОСИМОВА,**
**Жиззах вилояти адлия бошқармаси ходими**

***Вилоят марказларида ташкил этилган кўргазмали семинарлар эндиликда олис қишлоқларда ҳам ўтказиладиган бўлди.***

## ТДЮИ талабалари ташкилотчи бўлишди

**АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗНИНГ ҳар бир моддасини ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқ-тартибот органлари, барча ўқув муассасалари ва олий ўқув юртлари мураббийлари ҳамда талабаларнинг ўрни беқиёс.**

Шундай тарғибот ишлари Тошкент Давлат юридик институти томонидан Собир Раҳимов туманида жойлашган мактаб, коллеж ва академик лицейларда амалга оширилмоқда. Куни кеча тумандаги 29-сонли мактабда ана шундай тадбирлардан бири ўтказилди. Йиғилиш ташкилотчилари — ТДЮИ талабалари **Озод Бегматов, Элнора Бозорова, Лутфулла Абдуқодиров** Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг 16 йиллиги ва 2008 йил "Ёшлар йили" Давлат дастури ижросига бағишланган "**Инсон ҳуқуқлари акс этган қонун**" ҳамда "**Ислоҳотлар даврида ёшлар ҳуқуқларининг кафолатлари**" мавзуларида маъруза қилдилар.

**Дилфуза ЭРГАШЕВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

## Қарши кураш принциплари

**ПЕШКУ ТУМАНИдаги қишлоқ хўжалиги коллежида Бухоро шаҳар 1-ва 2-сон давлат нотариал идоралари нотариуслари томонидан "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун моҳияти юзасидан учрашув бўлиб ўтди.**

Сўзга чиққанлар одам савдосига қарши курашишнинг асосий принциплари, уни ташкил этиш, курашни амалга оширувчи давлат органлари, одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш, улар хавфсизлигини таъминлаш чоралари ва уларга бериладиган бошқа кафолатлар ҳақида батафсил гапирдилар.

**Маҳфуза НОРОВА,**
**Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими**

**Тизим тадбирлари**

## Яна бир бор эътироф этилди

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ адлия бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

Тадбирда Бош қомусимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги муносабати билан юртимизда амалга оширилган кенг қамровли ишлар ҳақида сўз юритилиб, мустақил давлатимиз ҳуқуқий тизимининг шаклланишига асос бўлган ва жамиятдаги барча муносабатларни демократик тарзда тартибга солувчи Бош қомусимизнинг дунёдаги энг ривожланган давлатлар тарихий тажрибаси, жаҳон конституциявий амалиётига таянган ҳолда ишлаб чиқилганлиги, халқимиз меҳнати, руҳи, ўзига хослиги ва унинг ўтмишдаги анъана ва урф-одатларини ўзида мужассам этганлиги яна бир бор эътироф этилди.

**К.ЖАЛОЛИДДИНОВ**
**Андижон вилояти адлия бошқармаси ходими**

## Шароит яхши бўлса...

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ адлия бошқармасида "Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолияти, амалиёти ва муаммолари" мавзуида семинар ўтказилди. Анжуман хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, қонуний манфаатлари бузилишининг олдини олиш, ноқонуний ҳаракатлар натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш бўйича зарур чораларни кўриш мақсадида ташкил этилди.**

Семинарда сўзга чиққанлар мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, хорижий инвестицияларни ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий механизми, инвестиция муҳитини янада яхшилаш мақсадида қабул қилинган қарорлар ва уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил тўхталдилар.

**(Ўз мухбиримиз)**

● *Конституция сабоқлари*

# Демократик ва инсонпарвар давлатнинг энг муҳим мезони

### шахс эркинлиги ва дахлсизлиги қай даражада кафолатланганлигига боғлиқ

**(Давоми. Боши биринчи бетда)**

Конституциямизнинг 25-моддасида шундай дейилади: "**Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас**".

Ушбу модда Ўзбекистонда биринчи марта шахс эркинлиги ва шахс дахлсизлигини кафолатлаб берди. Чунки собиқ тоталитар тузум шароитидаги конституцияларда бу ҳақда белгиланган меъёрлар фақат қоғозда эди, холос.

**Конституциямизда расмийлаштирилган шахс эркинлиги ва шахс дахлсизлиги тўғрисидаги меъёрлар инсон ҳуқуқларига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида "Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир" дейилган бўлса, "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт"нинг 9-моддасида "Ҳар бир инсон эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан қамоққа олиниши ёки ҳибсда сақланиши мумкин эмас, озодликдан маҳрум этиш қонунда белгилаб қўйилган асосларда ва қонун-қоида таомилига биноан йўл қўйилиши мумкин**", деган қоидалар ўрнатилган.

Инсоннинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи унинг табиий ва ажралмас ҳуқуқларининг таркибий қисмини ташкил этади. Шунга кўра, инсон туғилишидан бошлабоқ, унинг ҳаёти, соғлиғи, ор-номуси, қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳар бир инсон эркин ҳаёт кечириш, хоҳлаган ерида яшаш жойини танлаш, хоҳлаган машғулот турини танлаб олиш (албатта, бунда қонун билан тақиқланмаган меҳнат тури бўлиши керак), хоҳлаган эътиқодга эга бўлиш ва бошқа шу каби ҳуқуқларга эга. Ҳеч ким инсонга бирон-бир тарзда таъсир ўтказиш, уни баъзи ҳаракатларни қилишга мажбур этиш ёки ҳуқуқлардан маҳрум қилиш ва чеклаш ҳуқуқига эга эмас. Фақат қонунда кўрсатилган ҳолларда ва асослардагина бунга айрим истиснолар бўлиши мумкин. Масалан, жиноятчиларнинг вақтинча эркинлигини чеклаш, ҳарбийга мажбур кишиларни Ватан ҳимоясига жалб қилиш ва шу кабилар қонунчилигимизда аниқ кўрсатиб қўйилган.

Конституцияга биноан, давлат фуқароларга шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг ҳуқуқ ва эркинликлар беради ҳамда уларнинг амалга оширилишини кафолатлайди. Шу билан бирга Конституциямизнинг **19-моддаси**да кўрсатилганидек, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Чунончи, **44-моддага** биноан, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат фуқароларга ҳуқуқ ва эркинликлар бериш билан бирга уларнинг зиммасига маълум масъулиятларни ҳам юклайди. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга ҳамда Конституцияда кўзда тутилган бошқа бурчларни оғишмай бажаришга мажбурдирлар.

Шундай қилиб, Ўзбекистон фуқароларининг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари амалга оширилиши қуйидаги воситалар орқали таъминланади:

**Биринчидан,** фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари моддий, сиёсий, маънавий ва юридик жиҳатдан кафолатланган.

**Иккинчидан,** бу кафолатлар жамиятимиз моддий-техника базасининг ривожланиши, маданиятининг ўсиши ва халқимиз онглилигининг ошиб бориши билан кенгайиб ва чуқурлашиб бораверади.

Бизнинг асосий вазифамиз Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва бурчларимизни тўғри англаб, улардан оқилона фойдаланиш, жамиятимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишдан иборатдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда Президентимиз таъкидлаганидек, "**Бугун инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас бўлиб, давлат ҳимоясидадир**".

**Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,**
**ТДЮИ доценти**

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2008 йил 18 июндаги "Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларнинг изчил давоми, ёш авлодга ҳар томонлама кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.**

● *Тадбир*

# Ногиронлик

### ёки қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари



МАЗКУР ҚАРОР ижросини таъминлашга қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг ташкилий чора-тадбирлар режасига мувофиқ Идоралараро ҳамкорлик режаси ҳаётга татбиқ этилаётир.

Яқинда Тошкент шаҳар адлия бошқармасида "**Яқин қариндошлар ўртасида никоҳ тузиш — туғма ва ирсий касалликлар манбаидир**" мавзуида бўлиб ўтган семинар-тренингда мазкур Қарорнинг мазмун-моҳияти, муҳим ва долзарб аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси, Адлия вазирлиги, Республика Скрининг маркази, Республика Репродуктив саломатлик маркази, "Оила" илмий-амалий маркази Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, пойтахтимиздаги ФҲДЁ бўлимлари масъул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Семинар-тренингда Республика Скрининг маркази директори, тиббиёт фанлари доктори Мадина Шарипованинг яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг болалар саломатлигига салбий таъсири ҳақидаги кўргазмали таҳлилий маърузаси барчанинг эътиборини тортди. Хусусан, М.Шарипова бундай никоҳ оқибатида боланинг ногирон туғилиши ёки уч-тўрт йил ичида унда ирсий касалликларнинг намоён бўлиши, бир оилада бир неча бола умрбод шундай оғир хасталикларга чалиниб қолиши ҳақида ҳаётий мисоллар келтирди. Республика репродуктив саломатлик маркази директори ўринбосари Феруза Раҳматуллаева фертил ёшидаги аёллар саломатлиги, болалар саломатлигига салбий таъсир этувчи омиллар хусусида статистик маълумотлар ёрдамида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбирда сўзга чиққан Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Тамара Тиллаева бу каби амалий тадбирларни янада кенгайтириш, маҳаллалар, турли муассасаларда ушбу долзарб мавзу атрофида фикр алмашишга қаратилган учрашувлар ташкил этиш, ёшларни оилавий ҳаётга тўғри тайёрлаш, бу борада катта ёшдагиларнинг масъулияти, ёшларнинг маънавий тарбиясидаги мавжуд муаммолар хусусида тўхталди.

Бинобарин, ўғил-қизларнинг баркамол ўсиши, ёш авлод саломатлиги, аввало, фарзандларнинг соғлом туғилиши билан узвий боғлиқдир.

**Дилором МАТКАРИМОВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири,**
**Аброр БЕРДИЕВ олган суратлар**



**МАЪЛУМКИ, жиноят судларининг асосий вазифаси нафақат айбланувчига тегишли жазо тайинлаш ёки уни жазодан озод қилиш, балки жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш ҳамдир. Шу маънода судланувчига амалдаги қонунлар талабидан келиб чиққан ҳолда енгилроқ жазо тайинлаш ҳам умумий жиноятчиликнинг камайишига ва такрорий жиноятларнинг олдини олишга хизмат қилади.**

● *Инсонпарварлик тамойили*

# Енгилроқ жазо тайинлаш

### такрорий жиноятларнинг олдини олишга хизмат қилади



ЕНГИЛРОҚ ЖАЗО тайинлашнинг талаб ва шартлари Жиноят кодексининг 57-моддасида ўз аксини топган. Унга кўра, суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, алоҳида ҳолларда эса ўша жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки бошқа енгилроқ турдаги жазони тайинлаши ёхуд ана шу жиноят учун қўлланилиши шарт, деб кўрсатилган қўшимча жазони тайинламаслиги ҳам мумкин. Бунда айбдорнинг шахси, айбнинг шакли ва даражаси, жиноят қилиш шароити ва сабаблари, шахснинг жиноят содир қилгунча ва ундан кейинги хулқ-атвори жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар, деб топилиши мумкин.

Шу ўринда юқоридаги фикрларнинг тасдиғи сифатида айрим жиноят ишларига эътибор қаратсак. Масалан, 28 ёшли фуқаро Дилрабо Ҳолиқова (исм-шарифлари ўзгартирилган) 2007 йилнинг август ойида қўшни Қирғизистон Республикаси фуқароси Дилшод Ашуров билан олдиндан жиноий тил бириктириб, 1997 йилда Германияда ишлаб чиқарилган "Opel Tigra" русумли автомашинани божхона назоратидан яшириб, декларациясиз Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб ўтиб, машинани Қўқон шаҳри Ўрдатаги кўчасидаги яшаш уйига келтириб қўйган. 2008 йил 27 апрель куни эса Дилрабо ўзининг жиноий фаолиятини яна давом эттирган. Тўғрироғи, илгаригидек 1998 йилда Германияда ишлаб чиқарилган, сиёҳранг, "Opel Tigra" русумли автоуловни аввалги "усул"да мамлакатимиз ҳудудига ўтказиб, ўз уйига олиб бориб қўйган. Аммо шу йилнинг 2 май куни Фарғона вилояти ИИБ ЙҲХБ ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майда қабул қилинган **"Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида"**ги 154-сонли қарори ижроси юзасидан ўтказилган тадбирда Д.Холиқованинг кирдикорлари фош бўлди. "Қўқонавтотеххизмат" акциядорлик жамиятининг 2008 йил 26 май кунги 2011-сонли баҳолаш хулосасига кўра, келтирилган машиналарнинг айни пайтдаги қиймати 2.600.000 сўм ва 11.625.000 сўмни ташкил этади.

Кўриниб турибдики, Дилрабо бу хатти-ҳаракатлари билан Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган. Жиноят ишлари бўйича Данғара тумани суди ҳам уни шу модда билан айбдор деб топди. Мазкур модда судланувчига энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз баравcovригача жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш иши ёхуд беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни талаб қилади. Бироқ, суд Д.Ҳолиқованинг муқаддам судланмаганлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги, аёл киши эканлиги, қарамоғида 3 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини инобатга олиб, Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаган ҳолда унга энг кам иш ҳақининг юз баробари — 2.086-500 сўм миқдорида жарима жазоси тайинлади.

Шуни унутмаслик керакки, енгилроқ турдаги жазо шарҳланаётган моддада кўрсатилган ҳуқуқий асослар, яъни содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар ва алоҳида ҳолатлар мавжудлигидагина тайинланади. Содир этилган жиноятда маънавий зарарнинг йўқлиги ёки етказилган мулкий зарарнинг қопланганлиги, айбдорнинг оилада ягона боқувчи эканлиги, ота-онасининг жиддий касаллиги, уларнинг меҳнатга яроқсизлиги, судланувчининг кексалиги, жиноят содир этилишига жабрланувчининг ғайриқонуний ҳаракатлари сабаб бўлганлиги, қолаверса, иқтисодиёт соҳасига оид жиноят ишлари бўйича зарарнинг қисман қопланганлиги ҳам жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топилиши мумкин. Эътиборли жиҳати, енгилроқ жазони ўша жиноят учун Жиноят кодексининг "Умумий" қисмида кўрсатилган энг кам миқдоридан кам миқдорда ёки муддатга тайинлашга йўл қўйилмайди. Айтайлик, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам муддати 6 ой қилиб белгиланган. Демак, ушбу жазони енгиллатишда 6 ойдан камайтириб юбориш мумкин эмас.

Бир сўз билан айтганда енгилроқ жазо тайинлаш **"Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади"** деган конституциявий қоиданинг амалий ифодаларидан биридир.

**Мавжуда РЎЗИЕВА,**
**жиноят ишлари бўйича Данғара тумани судининг раиси**

● *Солиқ соҳаси*

# Аниқ ифода

**МАМЛАКАТИМИЗ ИСТИҚЛОЛГА эришгандан кейин деярли барча жабҳаларда кенг кўламдаги ислоҳотлар ўтказилмоқда. Республика Олий Мажлис Сенати томонидан тасдиқланиб, шу йил бошидан кучга кирган янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг қабул қилиниши солиқ тўловчилар учун ҳам, солиқ идоралари ходимлари учун ҳам жуда муҳим қулайликлар яратди.**

СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ мураккаблашуви, кўп ҳолларда эса солиқ қонунчилигининг бир хил талқин қилинмаслиги ўз-ўзидан янги кодекс яратилишини тақозо этди. Унда нафақат солиқ солиш масалалари, балки солиқ тизимида қўлланиладиган барча тушунчалар кенг ва аниқ ифодаланган. Кодексда халқаро меъёрларга мос келадиган, аниқ, амалда синалган солиқ солиш тамойилларини ишлаб чиқиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг аниқ рўйхатини белгилаш, хўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ юкини камайтириш, ресурслардан оқилона ва тежамли фойдаланишни таъминловчи хизматлар кўрсатиш, ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш, самарасиз солиқлар ва йиғимларни бекор қилиш масалалари тушунарли тарзда ёритиб берилган.

Умумий қисм амалдаги Солиқ кодексига нисбатан тубдан ўзгартирилди ва кенгайтирилди. Аввало, солиқ солишнинг ўз тажрибамиздан ўтган аниқ тамойиллари белгилаб берилди.

Шунингдек, кодекснинг бевосита таъсирчанлигини таъминлаш, солиқ базалари ва айрим солиқ турларини ҳисоблаб чиқариш фойдалари, уларни тўлаш тартибини максимал даражада тенглаштириш ва шу орқали биринчи навбатда асоссиз имтиёзни бекор қилиш, тадбиркорларга ўз бизнесини ривожлантириш учун ўрта муддатли режалаштириш имконини яратиш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш кабилар асос қилиб олинди.

Маълумки, солиққа оид қонун ҳужжатларида солиқ тўловчилар, шунингдек, солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш учун зарур элементлар қайд этилган тақдирдагина бундай тўловлар белгиланади. Бу имтиёзлар ҳам қонун ҳужжатлари ва Президентимиз қарорлари билан жорий қилинади. Шу билан бир қаторда солиқ текширувлари ва уларнинг турлари, солиқ текшируви ўтказиш муддатлари ҳамда даврийлиги, солиқ текширувлари натижаларини расмийлаштириш, молиявий санкциялар ва уларни қўллаш тартиби, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан шикоят бериш ҳуқуқи ва шикоят бериш тартиби аниқ белгилаб қўйилган.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, аввалги Солиқ кодексини қўллашда бир қанча қонун ости норматив ҳужжатларидан фойдаланишдек мураккабликлар мавжуд бўлган бўлса, янги Солиқ кодексида соҳага оид барча тааллуқли норматив ҳужжатлар ўз аксини топган.

**Муса СЕДИРОВ,**
**Янгийўл туман солиқ инспекцияси бошлиғи**

## Ундирувни мол-мулкка қаратиш

**Бойсун туман суд ижрочилари бўлимида Суд департаменти Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси ходимлари ва туман, шаҳар суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида ўқув-машғулоти ўтказилди.**

Унда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511 ва 512-сонли қарорлари ижроси ҳамда ундирувни қарздор жисмоний шахсларнинг мол-мулкига қаратиш тартиби тўғрисида", шунингдек, юзага келган муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан маърузалар тингланди.

Иштирокчилар туман суд ижрочилари бўлими иш юритувидаги ижро ҳужжатларини юритиш тартиби билан танишдилар.

**Эркин ОМОНҚУЛОВ,**
**Суд департаменти Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси суд қарорларини ижро этиш бўлими бош инспектори**

**Тизим тадбирлари**

## Шартномалар расмийлаштирилди

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2005 йил 16 февралдаги "Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ёш оилаларнинг уй-жойларга бўлган талаб-эҳтиёжларини мумкин қадар тўлиқ таъминлашга, уй-жой қурилишини жойларда ривожлантириш ишларига кенг йўл очиб бермоқда.**

Қарор ижросини таъминлаш юзасидан Мирзачўл туманида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, узоқ муддатли имтиёзли кредитлар тизими жорий этилган. Жорий йилда "Миллий банк", "Халқ банки", "Пахта банк" ва "Микрокредит банк" томонидан 6 нафар ёш оилага уй-жой ва уй жиҳозлари сотиб олиш учун ипотека кредитлари берилиб, Мирзачўл туман давлат нотариал идораси томонидан ипотека шартномалари расмийлаштирилди.

Ёш авлодни жисмоний ва маънавий соғлом ўстириш, ёш оилаларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, уларнинг турмуш даражасини юксалтириш йўлида саъй-ҳаракатларимиз янада кенгайиб бераверади.

**Муҳивиддин МАЛИКОВ,**
**Мирзачўл туман давлат нотариал идораси нотариуси**

# ЧАҚМОҚТОШ



## АФЛОТУН (ПЛАТОН)

### Милоддан аввалги 428-347 йиллар

**Кулгусиз жиддий нарсаларни англаб бўлмайди. Умуман, идрокли бўлишни истаган инсон қарама-қаршиликни фақат қарама-қаршилик ёрдамидагина англаб олиши лозим.**

***

Шоир — агар у ҳақиқий шоир бўлишни истаса, шунчаки фикр эмас, афсоналар яратмоғи лозим.

***

**Ҳар қандай саволга жавоб бериш мумкин, фақат у тўғри берилса бас.**

***

Ўтакетган жоҳиллик у даражада даҳшатли айб эмас, катта ёвузлик ҳам эмас. Нотўғри йўналтирилган билимдонлик ва бойлик унга нисбатан хавфлироқ ва жазога лойиқдир.

***

**Яхши инсон ҳаётлик чоғида ҳам, ўлимидан сўнг ҳам завол топмайди.**

***

Ҳар бир руҳ эзгуликка интилади ва бу йўлда ҳар нарсага тайёр туради. Руҳ эзгуликнинг мавжудлигини ҳис этади, уни излайди, аммо унинг қаерда эканини англашга куч-қуввати етмай қийналади.

**Саида ЖЎРАЕВА тайёрлади**

● *Мулоҳаза*

# Ўсаётган фикр

**ФАН-ТЕХНИКА тараққиёти ривожланиб, бевосита таълим жараёнига кириб борар экан, ўқувчи олдига қўйиладиган талаблар ҳам ортиб бораверади.**

ЛИЦЕЙ ОСТОНАСИГА қадам қўяётган ўсмир мутлақо янги психологик муҳитга тушади. Маълум вақтгача атроф-муҳитни идрок қилиш жараёни унда давом этади.

Ўқувчининг ўқув жараёнига мослашиши унинг маълум бир қийинчиликларни енгиб ўтишини тақозо этади. Албатта, ижтимоий муҳитга мослашиш ҳам ўзига хос саналади. Дейлик, у лицей раҳбарияти, устозлар, янги курсдошлар билан мулоқотга киришади. Мослашув жараёнининг тез ва муваффақиятли кечиши ўқувчининг етук билим эгаси бўлишига кўмаклашади. Бунда уни қуршаб турган ижтимоий муҳит ёрдамчи вазифасини ўтайди. Ўқувчи фаол бўлиши учун, аввало, унда ана шу муҳитга нисбатан тўлиқ ишонч шаклланиши лозим. Шу билан бирга шу жамоада ўз ўрнига эга бўлмоғи ҳам муҳимдир.

Ўқувчининг лицей ҳаётига мослашувида ота-оналарнинг роли ҳам эътиборга моликдир. Улар фарзанди дарсларни қандай ўзлаштираётганини назорат қилишлари ва ўқув фаолиятини ташкил этилганлик даражасини кузатиш учун ота-оналарнинг лицейга тез-тез бориб туришлари ўқувчининг мослашув жараёнини тезлатиш билан бир қаторда ўқиш жараёнига бўлган маъсулиятини ҳам ошириши шубҳасиз.

Маълумки, қайси ўқувчининг ота-онаси лицей педагоглари билан тез-тез алоқага киришиб турса, фарзандининг ўқув жараёнига бўлган муносабати яхши бўлиши билан бир қаторда ижтимоий фаоллиги ҳам юқори бўлади.

Ўқувчининг лицей шароитига мослашиши оддий жараён бўлиб кўринса-да, унинг психологик асослари анчайин мураккабдир. Шу боис ёш авлод маънавий қарашларининг ривожланишига ҳам боғлиқ бўлган бу жиҳат устозлар ва ота-оналарнинг доимий эътиборида бўлиши ижобий аҳамият касб этади.

**Мавлуда ҚАҲҲОРОВА, ТДЮИ қошидаги Академик лицей ўқитувчиси**

# Келажак кафолати

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ адлия бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги олдидан "Конституция — буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати" мавзуида семинар-тренинг ўтказилди.**

Унда вилоят адлия бошқармаси, Суд департаментининг Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси ходимлари, нотариат ва суд департаменти ижрочилари қатнашдилар.

Йиғилишда Бош қомусимиз давлатимизнинг ҳуқуқий замини, халқ хоҳиш иродасининг олий ифодаси эканлиги алоҳида таъкидланди. Иштирокчилар Конституциямизнинг давлат ва жамият сиёсий тизимидаги ўрни ва аҳамияти юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Тадбир қизғин баҳс-мунозара ва ишчанлик руҳида ўтди.

**Зумрад ҚОСИМОВА, Жиззах вилояти адлия бошқармаси ходими**

# 2008 йилнинг энг яхши инвестиция лойиҳаси

***"Асака" давлат акциядорлик тижорат банки (ОАЖ) юридик шахслар — кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида 2008 йилнинг энг яхши инвестиция лойиҳаси учун***

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

*Асосий шартлар ва талаблар:*

*1. Лойиҳа миқдори — 150 миллион сўм ва ундан юқори;*

*2. Лойиҳани амалга ошириш муддати — лойиҳа харажатини қоплаш муддатига боғлиқ бўлиб, 5 йилдан ортиқ бўлмаслиги керак;*

*3. Лойиҳа ташаббускорининг ўз шахсий маблағи билан иштироки — лойиҳа қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаслиги керак;*

*4. Лойиҳа бўйича гаров таъминоти — кўчмас мулк гарови ва кредит ҳисобига сотиб олинадиган асбоб-ускуналар (кредит маблағининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги лозим). Гаров таъминотининг умумий миқдори кредит маблағининг 125 фоизидан кам бўлмаслиги керак;*

*5. Лойиҳа фойда ва юқори самара келтирадиган, жумладан, янги иш ўринлари ташкил қилиш, шунингдек, янги ва ёки мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини қайта техник жиҳатдан жиҳозлашга йўналтирилган бўлиши лозим;*

*6. Танловда иштирок этиш учун лойиҳаларини тақдим этган ташкилотлар раҳбарларининг мазкур соҳалардаги иш тажрибалари 3 йилдан кам бўлмаслиги керак;*

*7. Экспортга мўлжалланган ва ёки импорт ўрнини босувчи инвестиция лойиҳалари бирламчи имкониятга эга бўлади;*

*8. Лойиҳа иқтисодиётнинг қуйидаги ишлаб чиқариш (ёки хизмат кўрсатиш) соҳаларига йўналтирилган бўлиши керак:*

*— нефть ва газ;*

*— қурилиш материаллари ишлаб чиқариш;*

*— тиббиёт;*

*— электр техника;*

*— озиқ-овқат;*

*— халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш.*

***Танлов ҳужжатларида қуйидагилар бўлиши шарт:***

*— танловда иштирок этиш учун ариза;*

*— лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари (ТИА), шунингдек, технологик жиҳозлаш ва ишлаб чиқариш жараёнининг батафсил баёни, хомашё ва тайёр маҳсулотлар бозорлари, мазкур соҳадаги маркетинг тадқиқотлар иловаси билан;*

*— гаров таъминоти бўйича маълумотнома.*

*"Асака" банк (ОАЖ) томонидан 3 та ғолиб танланади.*

*Танлов ғолибларига бериладиган мукофот ютуғи:*

*1 ўринга — 2 миллион сўм;*

*2 ўринга — 1 миллион сўм;*

*3 ўринга — 500 минг сўм.*

*Энг яхши лойиҳалар "Асака" банк (ОАЖ) маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.*

*2008 йил — "Ёшлар йили" деб эълон қилингани муносабати билан лойиҳалари совринли ўринларни эгаллаган 30 ёшгача бўлган корхона раҳбарлари ўз лойиҳаларини имтиёзли шартларда молиялаштириш ҳуқуқига эга бўладилар.*

*Танловда иштирок этиш учун ариза, шунингдек, инвестиция таклифлари (ҳужжатлар тўплами) 2008 йил 15 ноябргача қуйидаги манзилга топширилиши мумкин: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 67-уй.*

*Алоқа телефонлари: (371) 120-39-51; 120-81-11.*

# ЭЪЛОН!

**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги Тахиаташ шаҳар хусусий амалиёти билан шуғулланувчи нотариус лавозимига;**

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

***Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.***

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*

*2. Паспорт нусхаси;*

*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*

*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;*

*5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*

*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

*7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.*

*Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.*

**Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида Адлия вазирлигига мурожаат этишлари лозим.**

**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги телефонлари: 223-15-82, 223-81-27**

# Диққат, ёнғин хавфсизлиги ойлиги!

## Ҳурматли ҳамюртлар!

***Маълумки, қиш фаслида фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжи бирмунча ортиб бориши билан ёнғин хавфи ҳам кескин ортишига сабаб бўлади.***

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 ноябрдаги 578-Ф сонли фармойишига асосан бундай ҳолатнинг олдини олиш учун республикада 10 ноябрдан 10 декабргача "**Ёнғин хавфсизлиги ойлиги**" ўтказилади.

Фармойишда таъкидланганидек, ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, иқтисодиёт тармоқлари объектларида ва аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлиги тадбирларини кучайтириш орқали юзага келиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш, кўнгилсиз ҳолатларни кескин қисқартириш ҳамда фуқаролар орасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини кенг тарғиб этиш, деб белгиланган.

## Азиз ватандошлар!

Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишларингизни сўраган ҳолда таъкидлаймизки, бу даврда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб, Сиз нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкингизни, уй жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

***Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги"да фаол қатнашган иштирокчиларга ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.***

# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

***Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли 2-Тошкент юридик коллежи Амалиёт ишлари бўйича директор ўринбосари бўш лавозими учун***

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касб таълим) ёхуд таълим муассасасининг йўналиши бўйича магистрлар ва дипломли мутахассислар иштирок этиши мумкин. Номзодларнинг аризалари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли 2-Тошкент юридик коллежига тақдим этилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол;

2. Маълумоти ҳақидаги ҳужжат нусхаси;

3. Илмий даража ва илмий унвонлар ҳақидаги ҳужжатнинг нусхалари (мавжуд бўлса);

4. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);

5. 4х6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат;

6. Директор ўринбосари лавозимига номзоднинг бўлажак фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепцияси).

**Танлов комиссияси ҳужжатларни ўрганиб, номзодларни танловда қатнашишга тавсия этади.**

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор-8, Лутфий кўчаси, 47-уй.**

**2-Тошкент юридик коллежи биноси:**

**Тел: 273-85-92, 278-78-82**




UZBEKISTAN airways

*Саёҳатингизни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» билан бирга режалаштиринг!*

***Бутун дунё бўйлаб 45 дан ортиқ йўналиш!***

**«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси**

**26 октябрдан қишки жадвалга ўтди**

**Қишки жадвалдаги янги қатнов: ҳар жума кунлари Тошкент-Женева (Милан орқали).**

**Маълумот учун телефонлар:**

**«Тошкент» аэропорти** (жадвал, самолётнинг учиб кетиши ва келиши бўйича маълумотлар) **(998-71) 140-28-01/02/03/04**

**Ҳаво алоқалари бош агентлиги** (жадвал, жойларнинг мавжудлиги, тарифлар ва имтиёзлар тўғрисида маълумотлар) **(998-71) 140-02-00**

www.uzairways.com

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари» - хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!*


● *Жиноятга жазо муқаррар*

# Қотилликка бир қадам қолди

## ёхуд мудҳиш кимса кирдикорлари

**КУЗНИНГ СЎНГГИ кунлари эди. Ёмғирдан кейинги салқин ҳаво кишига хуш ёқади. Кўпқаватли уй олдида қўни-қўшни қатори бегоналар ҳам тўпланган. Ҳеч ким аниқ бир гап айтолмайди. Кўп ўтмай милиция ходимлари қўлига кишан солинган бир кимсани етаклаб пастга тушиб келишди.**

САЛДАН КЕЙИН шу уйнинг иккинчи йўлагидан қалин кийиниб олган аёл ҳам чиқди. Аёл бошидаги рўмолини ҳафсаласизлик билан ташлаганидан кайфияти яхши эмаслиги шундоққина билиниб турарди. Қўшни аёллардан бири уни тўхтатиб ҳол сўраган бўлди:

— Маҳлиё, тинчликми ўзи?

— *Ўз уйимда илон асраган эканман, қўшнижон, илон! — деб жавоб берди у ҳаяжонини босолмай...*

***

Ҳабибулла кўпдан бери тижорат ишларига ҳавасманд бўлиб, чет элга чиқишни орзу қиларди. Ўйлай-ўйлай узоқ Хабаровск шаҳрига бир неча халта кўкат олиб жўнади. Халқимизда "чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин" деган нақл бор. Ҳабибулло орзу билан иш битмаслигини савдоси касодга учраганда англаб етди. Бегона шаҳарда тентираб юрган кунларнинг бирида рўпарасидан ўзи сингари савдо-сотиқ билан шуғулланадиган Маҳлиё чиқди-ю, гап-гапга қовуша қолди. Келишувга асосан, Ҳабибулло Тошкентдан турли зираворлар юбориб турадиган, янги шерик эса бу маҳсулотни бозорда пуллайдиган бўлди.

Ишлар юришгандан юришди. Кунлар ўтиб катта даромад билан Тошкентга қайтган Маҳлиёни Ҳабибулло Тошкент аэропортида қучоқ очиб кутиб олди. Ўзининг оиласи ва уч фарзанди бўла туриб Ҳабибулло Маҳлиё билан пинҳона бирга яшай бошлади. Ҳамкорлик йил сайин ўсди. Савдодан тушган пуллар эвазига Чилонзор туманидан икки хонали уй сотиб олиб, уни Маҳлиёнинг номига расмийлаштирди.

Навбатдаги чет эл "сафар"идан қайтиб келган Маҳлиё "эриб" кетиб, Ҳабибуллага "Матиз" машинасини совға қилди.

Ҳар қандай аёл табиатига хос зеб-зийнатга ўчлик Маҳлиёга ҳам бегона эмасди. Маҳлиё Бирлашган Араб Амирликларига бориб ишлаганида ҳам, Тошкентдалигида ҳам жуда кўп тилла тақинчоқлар харид қилганини Ҳабибулла жуда яхши билар, уларга эга чиқиш истаги унинг хаёлини ўғирларди.

Маҳлиё яна Бирлашган Араб Амирликларига жўнаш олдидан пуллар ҳисоб-китоб қилинаётганда Ҳабибулланинг фикри ўзгарди. Бор маҳоратини ишга солиб, Маҳлиёга 2 хонали уйни сотиш ҳуқуқини берувчи ишончнома ёздириб олди.

Маҳлиё 2006 йилнинг сентябрь ойида Бирлашган Араб Амирликларига ишга кетди. Бироқ у "сен шохида юрсанг, мен баргида



юраман", қабилида иш тутиб, ўзига тегишли уйни сотиш ҳуқуқини берадиган ишончномани бекор қилишни унутмади. Ҳабибулла Маҳлиё кетгач, уйни номига расмийлаштириб олиш учун барча ҳужжатларни тўплаб, нотариал идорага, келдию ўзига берилган ишончнома бекор қилинганлигидан ҳафсаласи пир бўлди.

Бу ҳолат Ҳабибулланинг кўзини қонга тўлдиради. Қалбидаги пинҳона режа қатъий қарорга айланишига туртки бўлди. У Маҳлиёнинг пуллари ва кўп миқдордаги тилла буюмларига эгалик қилиш мақсадида уни ўлдиришни режалаштиради.

2007 йил сентябрь ойида Маҳлиё хориждан қайтади ва тилла тақинчоқлари жойида йўқлигини билиб қолади. Ҳабибулладан сўрайди, у тилла тақинчоқларни қайтариб бермаслигини айтади. Турган гапки, ўртага совуқчилик тушади. Хабибулланинг кўнглидаги ёвуз ният қайта бош кўтариб, таниши Садриддинга Маҳлиёни ўлдириш учун 5000 АҚШ доллари миқдорида пул таклиф қилади.

Садриддин рози бўлади ва шу куни Миллий хавфсизлик хизматига бориб, унинг таклифи юзасидан ариза билан мурожаат қилади.

Вазиятни пухта ўрганган МХХ ва прокуратура ходимлари махсус тадбир ишлаб чиқишиб, Маҳлиёга айтишади. Шундан кейин воқеани ва амалга оширилиши лозим бўлган "қотиллик" жараёнини видеотасмага туширадилар.

Садриддин Ҳабибуллага қўнғироқ қилиб "Мен уни ўлдириб бўлдим, менга берадиган пулингни ҳам олиб кел", дейди. Бундан бехабар Ҳабибулла хона ичига кириб келиши билан қўлга олинади.

У ўзини оқлашга ҳарчанд уринмасин, гувоҳлар кўрсатмалари, ёзиб олинган диктофон, видеотасмалар олдида бош эгишга мажбур бўлади.

Тинтув давомида Ҳабибулланинг уйидан Маҳлиёга тегишли уй ҳужжатлари, тилла тақинчоқлар далилий ашё сифатида олинди.

Нафснинг қулига айланган ҳар қандай кимса ҳалокатга маҳкумдир. Энг ачинарлиси, бундай разил инсонлар бошқалар ҳаётига зомин бўладилар. Яхшиямки, бу гал ҳушёр ва виждонли кишиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли нафс домидаги шахснинг разил режаси амалга ошмай қолди.

Қилмиш — қидирмиш. Жиноят ҳеч қачон жазосиз қолган эмас. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолиши муқаррардир.

**Ҳусан ҲУСАНОВ, Тошкент шаҳар прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси,**
**Наврўза ИБРАГИМОВА, «Инсон ва қонун» мухбири**


**ИНСОН ва ҚОНУН**

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович, Мустафаев Бўритош Мустафаевич, Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, Рахмонов Абдукамол Шодиевич, Матрасулов Давлатназар Раҳимберганович, Тўраев Тўра Эргашевич, Саидов Шокир Камолович, Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-1015. Тиражи — 11153. [t] — тижорат мақола.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.

Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50.

2 3 4 5 6 7 8